

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2015-yil 21-yanvar, chorshanba № 6 (15852)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI SENATI AʼZOLARINI TAYINLASH TUGʻRISIDA

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддаси ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 50-моддасига мувофиқ:

Фарманов Александр Касимович — «Олмалик металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси – бош директори
Санакулов Кувандик — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси бош директори

Тян Валерий Николаевич — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директори

Салихов Шавкат Исмаилович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти

Усманов Мираброр Зуфарович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ташқи сиёсат масалалари кўмитаси аъзоси

Сафоев Содиқ Солихович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ташқи сиёсат масалалари кўмитаси раиси

Раҳманкулов Мир-Ақбар Ходжи-Ақбарович — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директори ўринбосари

Мирзаалиев Иқболжон Мирзакаримович — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари

Абдуллаев Ихтиёр Бахтиёр — Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси

Артикова Светлана Баймирзаевна — Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари

Камилов Халиджан Махамаджанович — Тошкент врачлар малакасини ошириш институти офтальмология кафедраси профессори

Зуфаров Махамаджан Заирович — «Нуроний» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши раиси

Аллиярова Айсанем Жолдасбаевна — Қорақалпоғистон Республикаси Тахтақўпир тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси

Йўлдошев Нигматилла Тўлқинович — Ўзбекистон Республикаси адлия вазири

Раматов Ачилбай Жуманиязович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси

Алимова Гавхар Зайирова — «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2015 йил 20 январь

ОЛИЙ МАЖЛИС SENATI BIRINCHI MAJLISINING OCHILISHI TUGʻRISIDA

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси 2015 йил 22 январь куни соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI SENATI AʼZOLARI DIQQATIGA!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати йиғилишига келган Сенат аъзолари 2015 йил 21 январь куни соат 9:00 дан 18:00 гача Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносида рўйхатга олинади.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси



МИЛЛИЙ САҢЪАТ

ДУРДОНАЛАРИ НАМОЙИШИ

17-18 январь кунлари пойтахтимиздаги «Зарқайнар» миллий либослар галереясида «Hand made in Uzbekistan – 2015» миллий санъат фестивали бўлиб ўтди. Мухташам галереяда республикамизнинг барча худудларидан келган 150дан ортиқ юртдошимизнинг ижодий ишлари намойиш этилди.

4-саҳифага қаранг!

Ilm sarhadlarida

ҚАНДЛИ ДИАБЕТГА ҚАРШИ ЯНГИ ШИФОБАХШ ИЧИМЛИК

Тошкент кимё-технология институти олимлари қандли диабетдан азият чекаётган беморлар учун янги шифобахш ичимлик тайёрлаш усулини кашф этди.



5-саҳифага қаранг!

Пойтахтимизда «Халқ таълими тизимидаги энг яхши веб-сайтлар» кўрик-танловининг голиблари тақдирланди.

Энг яхши Веб-сайтлар аниқланди

Танлов Президентимизнинг 2012 йил 21 мартдаги «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ўтказиб келинмоқда. Шу мақсадда Халқ таълими вазирлиги ҳузурдаги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази томонидан махсус дастур яратилган. Интернетдаги tanlov.uzedu.uz манзили орқали кўрик-танловда қатнашиш учун он-лайн шаклда ариза бериш, ишларни масофадан туриб таҳлил қилиш, баҳолаш ҳамда натижаларни кузатиб бориш мумкин.

(Давоми 2-саҳифада)



ЭЪТИБОР ВА САМАРА

2



ҚИЗИ БОР УЙНИНГ ФАЙЗИ БОР

6

Энг яхши Веб-сайтлар аниқланди

(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)

Мазкур танловга учта йўналиш бўйича мингдан ортиқ ариза қабул қилинди. Бу олдинги йилга қараганда уч баравар кўп.

— Веб-сайтларга жойлаштирилган маълумотлар салмоғи ва сифати ҳам ошган, — дейди Халқ таълими вазирлигининг таълим-тарбия жараёнига АКТни жорий этиш бўлими бошлиғи Абдурашид Хундибоев. — Уларнинг аксариятини таълим муассасалари сайтлари ташкил қилади. Мазкур номинация бўйича жами 809та веб-маҳсулот тақдим этилди. «Энг яхши ўқитувчи веб-сайти» номинацияси бўйича 274та, «Энг яхши ўқувчи веб-сайти» номинациясига эса 72та иш келиб тушган. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари сайтларнинг мазмундорлиги ва долзарблиги, дизайни, таълимий аҳамияти, интерфаоллиги, қайта алоқа боғлаш имконияти, техник жиҳатдан бажарилиш сифати

каби мезонлар асосида баҳолади.

Дастлабки босқичда ҳар бир йўналиш бўйича ўнтадан сайт сараланиб, улар ичидан совриндорлар аниқланди.

Шундай қилиб, «Энг яхши таълим муассасаси веб-сайти» номинацияси бўйича Навоий шаҳридаги 11-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабининг www.11-maktab.uz сайти ғолиб бўлди. 2-ўрин Эллиққаъла туманидаги 22-умумтаълим мактаби жамоасига www.22-school.uz сайти учун, 3-ўрин Жиззах вилояти Халқ таълим бошқармаси тассаруфидаги «Умид» ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби учун яратилган www.umid.zn.uz сайтига насиб этди.

«Энг яхши ўқитувчи веб-сайти» номинацияси бўйича Термиз туманидаги 4-умумтаълим мактаб ўқитувчиси Азамат Ходжақовнинг www.azamat.uz сайти 1-ўринга сазовор бўлди. Унинг бухоролик ҳамкасби, www.learnenglish.uz сайтини яратган Ғиждувон туманидаги

8-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби ўқитувчиси Гулшода Абдуллаева, шунингдек, www.mehnatdarsi.zn.uz сайти муаллифи Жиззах шаҳридаги 16-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Уйғун Раҳимов ҳам ғолиблар сафидан ўрин олди.



Танлов ишлари орасида ўқувчи-ёшларнинг веб-сайтлари мутахассислар томонидан алоҳида эътироф этилгани бежиз эмас. Зеро, умумтаълим ўқув дастури ўқувчига замонавий ахборот-технологиялари билан мактаб партасидаёқ мукамал танишиш,



ҳатто дастурлаш асосларини ўрганиш имкониятини бермоқда. Бошқача қилиб айтган

сайтини тажрибали ҳакамлар 1-ўринга лойиқ топди.

Термиз шаҳридаги 1-мактаб ўқувчиси Шоҳрухбек Бобораҳимовнинг www.shohruxbek.mahorat.uz сайти иккинчи, Фарғонанинг Тошлоқ туманидаги 35-мактаб ўқувчиси Нуриддин Мусақоновнинг www.35maktab.zn.uz сайти учинчи ўринга сазовор бўлди.

Кўрик-танлов ғолибларига диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Тақдирлаш маросимида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва барча вилоят халқ таълими бошқармаларининг ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича масъул вакиллари иштирок этди.

Наргиза БАҲОДИРОВА

Xushxabar

БУЮК АЖДОДЛАРГА МУНОСИБЛИК

Жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек каби юртдошларимиз ёшлигиданоқ олим сифатида танилган ва тан олинган эди.

Бугун ўзбекистонлик ёшлар ўзларининг илмий салоҳиятлари билан буюк аждодларига муносиб эканини исботламоқда. Буни математика, кимё, физика фанлари бўйича ўтказилаётган халқаро фан олимпиада ва беллашувларида, астрономия соҳасида эришилаётган ютуқлар тимсолида ҳам кўришимиз мумкин. Яқинда Қозоғистонда физика, математика ва информатика бўйича бўлиб ўтган халқаро фан олимпиадаси ҳам ўзбек ёшларининг имконияти юқори эканини яна бир қарра тасдиқлади. Унда иштирок этган Бухоро давлат университети қошидаги 3-Қорақўл академик лицейи ўқувчилари юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Мазкур лицей ўқувчилари Жамшид Яхшиев ва Сухроб Жўрақулов математика фани бўйича кумуш ва бронза медалларни қўлга киритди.

— Бу халқаро фан олимпиадасида ўн бешта мамлакатдан уч юздан ортиқ ўқувчи қатнашди, — дейди кумуш медал соҳиби Жамшид Яхшиев. — Икки кун давом этган қизгин беллашувда ғолибликни қўлга киритишга ҳаракат қилдим. Олимпиада якунида давлатимиз ва устозларимиз ишончини оқлаб фахрли ўринни эгалладим.

Ушбу ғалаба Қорақўл академик лицейи ўқувчиларининг илк муваффақияти эмас. Ҳозиргача улар физика, математика ва кимё фанлари бўйича ўтказилган халқаро ва жаҳон фан олимпиадаларида ўттиз учта медални қўлга киритган.

Назокат ҚУРБОННИЁЗОВА

Bolalar sporti

ЭЪТИБОР ВА САМАРА

Тошкент вилоятида ўтган йиллар давомида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 147 болалар спорти иншооти қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Президентимиз раҳнамолигида ёш авлоднинг жисмонан соғлом, маънан етук инсонлар бўлиб вояга етиши, спорт билан мунтазам шуғулланиши, ўз истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариши учун барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 24 октябрдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги ва 2004 йил 29 августдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари бу борада муҳим дастуриламал бўлаётди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент вилояти филиалидан маълум қилинишича, вилоятда ўтган йили олти мактабнинг спорт зали, учта

музыка ва санъат мактаби, битта ёпиқ сузиш ҳавзаси янгидан қурилиб, замонавий анжомлар билан таъминланган.

Давлатимиз томонидан яратиб берилган замонавий шарт-шароитларда маҳоратини ошираётган ёш спортчиларимиз турли мусобақаларда муваффақиятларга эришмоқда.

2013 йилда велоспорт бўйича 20 ёшлилар ўртасида Ҳиндистонда ўтказилган Осиё чемпионатида Чирчиқ олимпия захиралари спорт коллежи ўқувчиси Муроджон Холмуродов иккинчи бор Осиё чемпиони бўлди. Шу коллеж тарбияланувчиси Екатерина Кнеделева ўсмирлар ўртасида Таиландда ўтган қитъа мусобақасида иккинчи ўринни қўлга киритди. Белбоғли кураш бўйича Россияда ўтказилган жаҳон чемпионатида ёш спортчилар Искандар Маҳаматов ва

Шаҳриддин Хайриддинов биринчи, Элдор Неъматов иккинчи, Ғолиб Аҳмедов учинчи ўринни эгаллади.

Албатта, ёш ва умидли спортчиларнинг бундай натижаларга эришишида мураббийларнинг хизмати катта. Вилоятдаги спорт иншоотларида 2 минг 400 нафардан зиёд юқори малакали мутахассис 86 минг нафар ўғил-қизга спортнинг қирққа яқин тури бўйича сабоқ бермоқда.

— Мактабимизда болалар сув спорти, бадий гимнастика, стол тенниси каби спорт турлари билан мунтазам шуғулланмоқда, — дейди Олмалиқ шаҳридаги 3-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Баҳодир Аҳмедов. — Кейинги йилларда уларнинг сафи кенгайиб бораётди. Бу спорт билан шуғулланиш учун яратилган шароитлар янада яхшиланаётгани, унинг тобора оммалашаётганидан далолатдир.

Ўтган йили ушбу мактабнинг 33 нафар тарбияланувчиси спортнинг турли йўналишлари бўйича мамлакат ва халқаро миқёсда ўтказилган

беллашувларда совриндорлар қаторидан жой олди. Бу ерда шуғулланаётган болаларнинг 270 нафардан зиёди қизлардир.

2014 йилда сув спорти бўйича Малайзияда бўлиб ўтган халқаро мусобақада биринчи ўринни эгаллаган Ангелина Шимит улардан бири.

— Сув спорти билан беш йилдан буён шуғулланаман, — дейди Ангелина. — Шу кунларда навбатдаги халқаро мусобақаларга тайёргарлик кўрмоқдаман. Жаҳон ареналарида Ватанимиз — Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилиш энг олий мақсадимдир.

Спорт болани чиниқтиришдан ташқари курашга, аниқ мақсад сари интилишга ундайди, иродасини тоблайдди. Мамлакатимизда спорт билан мунтазам шуғулланиш учун яратилган ва яратилаётган шароит ва имкониятлар ёшларимиз ана шундай юксак фазилатларга эга инсонлар бўлиб камолга етишига хизмат қилмоқда.

**Б.ҲИДОЯТОВ,
ЎЗА МУҲБИРИ**

Kun mavzusi

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН РУХСАТ БЕРИЛДИ

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар эгадир. Сиёсий партиялар ушбу ҳуқуқни амалга ошириш учун сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олтин ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган бўлиши лозим.

17 январь куни Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси вакиллари Марказий сайлов комиссия-

ясига Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш мақсадида тегишли ҳужжатларни тақдим қилган эди. Сайлов қонунчилигига кўра, Марказий сайлов комиссияси ушбу ҳужжатлар асосида беш кунлик муддат ичида сиёсий партиянинг сайловда иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида қарор қабул қилиши ва партиянинг ваколатли вакилига рўйхатга олинганлик гувоҳномасини ва белгиланган намунадаги имзо варақаларининг бланкаларини бериши лозим.

19 январь куни ўтказилган

Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишига ижозат бериш ҳақида қарор қабул қилинди, тўртта сиёсий партиянинг ва-

колатли вакиллари рўйхатга олинганлик гувоҳномалари ва белгиланган намунадаги имзо варақаларининг бланкалари топширилди.

Жавлон ВАФОЕВ,
«Turkiston» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун сиёсий партиялар тақдим этадиган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун сиёсий партия сайловга камида етмиш кун қолганида Марказий сайлов комиссиясига қуйидагиларни тақдим этиши лозим: сайловда иштирок этиш тўғрисида партия раҳбари томонидан имзоланган ариза; Адлия вазирлигининг сиёсий партия рўйхатга олинганлиги кўрсатилган маълумотномаси; Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак номзод тўғрисидаги маълумотлар.

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонун, 24¹-модда

«Kamolot» hududi

Таълим муассасаларида ўтаётган «Ҳарбий ватанпарварлик» ойлиги доирасида Боёвут енгил sanoat касб-хунар коллежида «Ватан учун кўксин қалқон қилар йигитнинг марди!» шиори остида спорт мусобақаси ташкил қилинди. Лойиҳани амалга оширишда коллеждаги «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилот ташаббус кўрсатди.

ЙИГИТЛАРНИНГ
МАРДИ — МАЙДОНДА

Тўрт кун давом этган мусобақада ўқувчилар баскетбол, қўл таянчи (отжимание), армрестлинг, тош кўтариш бўйича куч синашди. Боёвут енгил sanoat касб-хунар коллежидаги Ҳаракатнинг БТ етакчиси Фаррух Алимовнинг айтишича, спорт ёшларни ҳам жисмонан, ҳам руҳан чиниктириб, ҳалоллик, мардлик каби сифатларни шакллантиради. Ўз навбатида, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятида спорт-саломатлик йўналишидаги лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам бежиз эмас.

Мусобақа натижаларига кўра, баскетбол ўйинида «Лочинлар» жамоаси голибликни қўлга киритди. Қўл таянчи бўйича 1-ўрин маиший хизмат ва касса аппаратларини таъмирлаш йўналиши ўқувчиси Наим Холлиқбердиев, армрестлингдан бухгалтерия ҳисоби йўналиши 3-курс ўқувчиси Ислон Худойбердиев, тош кўтариш бўйича эса компьютер ва компьютер қисмларини таъмирлаш техниги йўналиши ўқувчиси Фарҳод Холмуродовга насиб этди.

Ғолибларга фахрий ёрлик ва эсдалик совғалар топширилди.

— Ватан ҳимояси — муқаддас бурч, — дейди Фарҳод Холмуродов. — Ўқишни тамомлагач армияга бораман. Шу мақсадда жисмоний тайёргарлигимни оширяпман. Юртимга содиқ фарзанд бўлмоқчиман!

Элёр Жўраев

Гулистон шаҳридаги “Алпомиш” спорт мажмуасида умумтаълим мактабларида очилган «Ёш қутқарувчи» кўнгилчилар клублари ўртасида мусобақа бўлиб ўтди.

«ЁШ ҚУТҚАРУВЧИ»ЛАР
СИНОВДАН ЎТДИ

Лойиҳа Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши, фавқулодда вазиятлар ва халқ таълими бошқармалари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тўрт шарт асосида иштирокчиларнинг белгиланган вақтда газниқобни кийиш, эстафета югуриш, копток билан тўсиқлар оша югуриш ҳамда арқон тортиш бўйича маҳорати синовдан ўтказилди.

1-ўрин Гулистон шаҳридаги 15-мактаб жамоасига насиб этди. Ховос туманидаги 9-мактаб иккинчи, Ширин шаҳридаги 1-мактаб учинчи ўринни қўлга киритди.

Адҳам Жўраев

ҲАРБИЙЛАР КУЙЛАГАНДА

Қашқадарё вилояти Ёшлар марказида «Ҳарбийлар куйлаганда» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ташаббуси ва Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги, маданият ва спорт ишлари бошқармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ҳамкорлигида ўтказилган танловда Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлигининг Қарши сержантлар тайёрлаш мактаби ва вилоятдаги ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган ўттиз ёшгача бўлган ҳарбий хизматчилар иштирок этди. Улар миллий чолғу ижрочилиги, эстрада йўналиши ҳамда саф қўшиғини куйлаш бўйича ўзаро беллашди.

Танлов якунида миллий чолғу ижрочилиги йўналишида Ички ишлар вазирлигига қарашли ҳарбий қисмдан оддий аскар Шерзод Топганов, эстрада йўналиши



бўйича ҳарбий қисм оддий аскари Салайдин Ўсаров, саф қўшиғини ижро этиш йўналишида Қарши сержантлар тайёрлаш мактаби жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

Танловда иштирок этган барча ҳарбий қисмларга «Камолот» кутубхонасидан китоблар жам-

ланмаси, ғолиб бўлган иштирокчиларга эса ҳамкор ташкилотларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Аҳрор СОДИҚОВ,
«Камолот» ЁИХ Қашқадарё
вилояти кенгашининг
матбуот хизмати ходими

ЖАСУРЛАР БЕЛЛАШУВИ

Узун тумани қишлоқ хўжалиги коллежида «Ватан — улуғ, бурчим — муқаддас» шиори остида «Қувноқлар ва зукколар» кўрик-танлови бўлиб ўтди.



«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Узун тумани кенгаши ташаббуси ва туман прокуратураси, хотин-қизлар кўмитаси,

ички ишлар, мудофаа ишлари, маданият ва спорт ишлари бўлимлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида

ўтказилган тадбирда ҳарбий қисм ва касб-хунар коллежлари жамоалари қатнашди. Улар таништирув, автоматни қисмларга бўлиш ва йиғиш, савол-жавоб ҳамда мусиқий чиқиш шартлари бўйича ўзаро беллашди.

Бир-бирдан қизиқарли ўтган шартлар сўнггида ғолиблар аниқланди. Унга кўра, ҳарбий қисмнинг «Чегарачи» жамоаси танловда ватанпарварликни акс эттирувчи чиқишлари билан биринчи ўринни, қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежининг «Истиқлол» жамоаси иккинчи ўринни, педагогика коллежининг «Қалқон», маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежининг «Лочин» жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

Баҳром ҚАМБАРОВ

Миллий санъат қўрғоналари намойиши

(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)

«Art Life Media» масъулияти чекланган жамияти ташаббуси билан ўтказилган мазкур фестивал миллий хунармандчилик аъёнларини асраб-авайлаш, ўзбек халқ амалий санъатини халқаро миқёсда оммалаштириш, мамлакатимизда туризмни янада ривожлантириш, уста-хунармандлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда қадриятлар бардавомлигини мустақамлашга хизмат қилади.

Ўзбек миллий тасвирий ва халқ амалий санъатини ривожлантириш, ижодкор усталарнинг ишларини муносиб рағбатлантириш ва кенг тарғиб этиш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Юртбошимизнинг 2010 йил 30 мартдаги «Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармони хусусий тадбиркорлик ва касаначилик фаолиятига кенг йўл очди.

Фольклор-этнографик ан-



Кўргазма экспозициясидан ўрин олган миллий матолардан тикилган либослар, бежирон пойабзаллар, ҳамёну сумкалар, ипак шарфлар, чарм маҳсулотлари, заргарлик буюмлари, гиламлар, атласу адраслар ҳеч кимни бефарқ қолдирмади.

— Ўзбекистондаги саёҳатим жуда мароқли ўтмоқда. Кўҳна ва навқирон шаҳарларингиз, тарихий обидаларингиз гўзаллиги таҳсинга лойиқ. Бугунги кўргазмада намойиш этилаётган халқ амалий санъ-

ел. — Давлатингиз томонидан миллий урф-одат ва аъналарга бўлган бундай юксак эътибор кам учрайдиган ҳодиса. Бу кўргазмадан эсдалик учун дўстларимга қўл меҳнати орқали ишланган нақшинкор сумка, зирак ҳамда наққошлик буюмларини харид қилдим.

Миллий санъат фестивали доирасида тошкентлик ўймакор уста Бахтиёр Раҳимов томонидан маҳорат дарслари ташкил этилди. Бахтиёр бу амалий санъат тур билан ўн олти йилдан



муналари билан бошқа санъат турларидан ажралиб туради. Ҳар бир нақш ўзининг ички ва ташқи маъноларига эга, — дейди Б.Раҳимов — Тайёрланаётган буюмлар шакли аниқ ўлчамда, бир-бирига муносиб бўлиши, ранглар дид билан танланиши керак. Ушандагина қилган ишинг ҳақиқий санъат асарига айланади.

Халқ амалий санъатининг нодир турларидан яна бири миниатюрадир. «Нақш нафислигининг сири» деб номланган маҳорат дарсларида Шарқ миниатюра санъатининг жаҳон маданиятида тутган ўрни, миниатюра мактаб ва марказлари, уларда мавжуд бўлган бадий умумийлик ва тафовутлар, бу мактабларнинг забардаст вакиллари ҳақида маълумотлар берилди.

Хунармандлик ва амалий санъат ҳақида сўз борганда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳозирда усталар мавжуд технологик услуб ва аъналарни сақлаб қолишга ҳаракат қилмоқда. Маҳаллий мактаблар ва хунармандлик марказларида «устоз-шогирдлик» аънасининг кенг йўлга қўйилиши ёшларнинг бу санъатга бўлган қизиқишини янада оширмоқда.

Икки кун давом этган «Hand made in Uzbekistan» миллий санъат фестивалида либослар кўргазмаси, халқ ўйинлари, театр жамоаларининг чиқишлари ва эстрада санъаткорларининг концерт дастури намойиш этилди.

Назokat ҚУРБОННИЁЗОВА,
«Turkiston» мухбири.
Рустам Назарматов
олган суратлар



Ўзбек халқ хунармандчилиги узоқ тарихга эга. Қайси ривожланган давлатлар музейларига борманг, у ерда Ўзбекистон маданий тарихига оид экспонатларни учратасиз. Мустақиллик йилларида хунармандлар ишлари кўргазмаларини ташкил этиш аъна на тусига кирди. Бугунги фестивал халқимиз турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланган зардўзлик, наққошлик, ўймакорлик, заргарлик каби қатор амалий санъат турлари соҳибларини бир жойга жамлади. Давлатимиз томонидан хунармандларга қаратилаётган бундай эътибор қўли гул усталар сафини янада кенгайтирмоқда.

самбля ва кўғирчоқ театри жамоаларининг чиқишлари фестивалга ўзгача руҳ бағишлади.


— Мазкур санъат байрами кенг жамоатчиликни, халқ хунармандлари ва хорижлик меҳмонларни ўзига чорлади. Биз ҳам фестивалга миллий кўғирчоқ театри жамоаси билан келдик. Меҳмонларга янада кўтаринки кайфият улашиш мақсадида карнай-сурнай наволари остида ўзбек миллий кўғирчоқ рақсларини ҳавола этдик, — дейди «Жайхун» кўғирчоқ театри бадий раҳбари Мансурбек Қуръзов. — Бу каби тадбирлар тажриба алмашиш, фаолиятимизни кенгайтиришга хизмат қилишига ишонманам.



ати муналарини кўриб ҳайратим янада ошди, — дейди англиялик сайёҳ Анна Мари-

бери шуғулланиб келмоқда. — Ўймакорлик санъати ўзининг бетакрор ва ўзига хос на-

Юртимизда илк маротаба «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Artlas ёш дизайнерлар танлови ўтказилди. Унда 30 ёшгача бўлган ҳаваскор ҳамда профессионал дизайнерлар миллий матолар уйғунлигида замонавий услубда яратган либослар тўпламлари билан иштирок этди.



Бетакрор Artlas

Лойиҳа мода оламига кириб келаётган иқтидорли ижодкорларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш, салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган. Жорий йилда у синов тариқасида ишга туширилди. Танловнинг саралаш босқичлари республикамиз худудларида ўтказилиб, 48 нафар дизайнер финалга йўланма олди.

Пойтахтда бу ёшларнинг ижодий ишлари нуфузли ҳакамлар ҳайъати эътиборига ҳавола этилди. Яқиний дефиле учун 11та энг ёрқин либослар тўплами сараланиб, Ёшлар ижод саройида намойиш этилди.

Мутахассислар хулосасига кўра, Камолит-

дин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси Камола Аҳмадхўжаева 1-ўринга сазовор бўлди. Қолган совринли ўринлар бухоролик ҳаваскор дизайнерлар — Туризм коллежи ўқувчиси Манзура Санаева ҳамда Курилиш ва хунармандчилик коллежи ўқувчиси Райҳон Расуловага насиб этди.

Ҳолиблар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг дипломи, махсус статуеткаси ва совғалари билан тақдирланди.

Наргиза УМАРОВА,
«Turkiston» мухбири

Ijtimoiy himoya

Бор меҳримиз сенга, болажон!

Оққўрғон туманидаги 78-маҳсус мактаб-интернат, Бўка туманидаги 15-меҳрибонлик уйи ҳамда Чирчиқ шаҳридаги 14-меҳрибонлик уйида хайрия тадбирлари ташкил этилди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти кенгаши ташаббуси билан қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган тадбирларда депутатлар, таниқли санъаткорлар ҳамда «Камолот» фаоллари болажонлар ҳузурда бўлди.

Тадбирлар давомида ўғил-қизлар сеvimли санъаткорлари билан учрашиб, дилдан суҳбатлашди. «Камолот»чилар эса улар учун қизиқарли ўйинлар ташкиллаштирди. Ҳар бир масканда концерт дастури намойиш этилиб, болаларга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг эсдалик совғалари топширилди. Ўғил-қизларнинг Ватан, она, табиат ҳақидаги шеърлари байрам тадбирига янада кўтаринкилик бағишлади.

Адхам АҲМЕДОВ,
«Камолот» ЁИХ Тошкент вилояти кенгаши ходими

ҚАНДЛИ ДИАБЕТГА ҚАРШИ ЯНГИ ШИФОБАХШ ИЧИМЛИК

(Давоми, бошланиши 1-саҳифада)

Мазкур доривор ичимликнинг таркиби, хусусиятлари, тайёрлаш усули хусусида ихтиро муаллифларидан бири — Тошкент кимё-технология институтининг озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси факультети доценти Шарифа Ҳакимовага мурожаат қилдик.

— Биз кашф этган усулдан сут маҳсулотлари саноатида фойдаланиш мумкин, — дейди Шарифа Ҳакимова. — Аслида сутнинг ўзи табиий дори. Ундан тайёрланадиган қатиқ, чакки (сузма), айрон ошқозон-ичак фаолиятини яхшилайди. Пишлоқ, творог, бринза каби сут маҳсулотлари ҳам жуда фойдали. Уларни тайёрлашда кўп миқдорда зардоб ажралиб чиқади. Маълумотларга қараганда, дунё бўйича 80-85 фоиз сут зардобни тўлиқ ишлатилмай тўкиб юборилади. Холбуки, унинг таркибида витаминлар, микроэлементлар, углеводлар ва бошқа фойдали элементлар мавжуд. Мана шу иккиламчи маҳсулотдан доривор ичимлик тайёрлашни мақсад қилган эдик ва бунга эришдик.

Олиманинг айтишича, мазкур ичимлик табиий ва арзон маҳсулотдан тайёрланиши боис қандли диабет билан оғриган кишилар учун алоҳида аҳамиятли.

— Сут таркибидан ажратиб олинган энг қиммат маҳсулот унинг ёғи ҳисобланади, — дейди Ш.Ҳакимова. — Зардоб эса иккиламчи маҳсулот



Таркибида топинамбур шарбатининг борлиги ичимликнинг қандли диабет касаллигига шифобўлишини таъминлайди.

бўлгани туфайли анча арзон. Шифобахш ичимлигимизни тайёрлаш учун зардобни кимиз ачитқилари ёрдамида бижғитамиз. Сўнг бижғитилган зардобнинг уч қисмига бир қисм ивигилган қатиқ ҳамда 10-15 фоиз топинамбур ўсимлигининг туганагидан олинган шарбат қўшамиз. Кейин аралашмани гомогенизатор аппаратида ўтказиб оламиз. Натижада у қимиз кўринишига келади, таъми ҳам уни эслатади. Таркибида топинамбур шарбатининг борлиги ичимликнинг қандли диабет касаллигига шифобўлишини таъминлайди. Чунки унда инулин бор. Биламизки, бу модда фруктоза занжирларидан ташкил топган. Аслида, фрук-

тоза ҳам, глюкоза ҳам қанд. Лекин глюкозани қандли диабет билан оғриган киши ҳазм қилиши қийинроқ, фруктозани эса бемор организми осон қабул қилади. Шунингдек, ушбу ичимлик таркибида ёғда эрийдиган А,

Дунё бўйича 80-85 фоиз сут зардобни тўлиқ ишлатилмай тўкиб юборилади. Холбуки, унинг таркибида витаминлар, микроэлементлар, углеводлар ва бошқа фойдали элементлар мавжуд.

Д, Е витаминлари ҳамда сувда эрийдиган С, В₃, РР, В_с, В₂, В₆ ва В гуруҳидаги бошқа витаминлар ҳам аниқланган. Ундаги ёғ миқдори эса 0,33-0,34 фоизни ташкил этади, холос. Бу

эса бугунги истеъмолчилар талабига анча мос. Чунки дунё бўйича кам ёғли ёки умуман ёғсиз маҳсулотларга талаб ортиб борапти.

Юртимиз олимлари таклиф этаётган шифобахш ичимлик бошқа касалликларга ҳам даво бўлади. Масалан, дисбактериозга.

— Юртимиз иссиқ ўлка бўлгани учун ёз ойларида ичак-ошқозон дисбактериозига чалинган беморлар кўпаяди, — дейди Шарифа Ҳакимова. — Ушбу шифобахш ичимлигимиз фақат парҳез маҳсулот бўлибгина

Ўзбекистон Интеллектуал мулк агентлиги томонидан «Шифобахш хусусиятга эга парҳез сут-қатиқ ичимлигини тайёрлаш усули» учун Шарифа Ҳакимова, Собира Абдураззоқова, Динора Зуннунова, Шукурбек Мирзажоновдан иборат муаллифлар жамоасига № ИАП 04983 рақамли ихтиро патенти берилди.

қолмай, дисбактериоз билан касаланган ёш болалар учун ҳам жуда фойдали.

Шарифа Ҳакимова бошчилигидаги олимлар гуруҳи ушбу ишга ўз-ўзидан қўл урмади. Хусусан, олиманинг ўзи пойтахтимиздаги сутни қайта ишлаш заводларидан бирида қатиқни бир соатда ивитиш технологиясини жорий этаётганда қанчадан-қанча зардобнинг тўкиб юборилганига гувоҳ бўлган...

Узоқ изланишлар самараси ўлароқ ихтиро қилинган шифобахш хусусиятли ичимликни тайёрлаш технологияси ишлаб чиқаришга татбиқ этилди. Доривор ичимликни Тошкент педиатрия-тиббиёт институтида синовдан ўтказган мутахассислар унинг чиндан ҳам ноёб хусусиятга эга эканини тасдиқлади.

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири.

Рустам Назарматов олган сурат

Sog'lom turmush tarzi

Зарарли одатларга йўл йўқ!

«Камолот» ЁИХ Хоразм вилояти кенгаши ташаббуси билан Урганч туманидаги 17-мактабда «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!» шиори остидаги саломатлик лойиҳаси доирасида учрашув бўлиб ўтди.



Тадбирда юқори синфларда таҳсил олаётган ўқувчилар иштирок этди. Лойиҳанинг ҳудудий тренери, Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали 7-курс талабаси Зўрроб Матмуратов уларга репродуктив саломатлик, шунингдек, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, кашандаликнинг инсон саломатлигига салбий таъсири хусусида сўзлаб, уларга қарши кураш йўлларини амалий машғулотларда тушунтириб берди. Ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Машғулотлардан сўнг учрашувда фаол қатнашган ўғил-қизларга фахрий ёрлик ва эсдалик совғалар топширилди.

Маъруфа СЕТИМОВА,
Урганч туманидаги 17-мактаб ўқитувчиси

Ta'lim taraqqiyoti

Тошкент давлат юридик университетидида талабалар билимини баҳолашнинг янги тизими жорий этилди. Университет талабалар билимини баҳолашнинг янги, такомиллашган тизимидан фойдаланиш имкониятига эга бўлган юртимиздаги илк олий таълим муассасасига айланди.

Баҳолашнинг янги модуми тизими

Эндиликда, талабалар бошқа олий таълим муассасаларидан фарқли ўлароқ, янги тизимда кўзда тутилган билимларни назорат қилишнинг уч тури — кундалик, оралиқ ва якуний назоратдан ўтиши лозим.

— Тошкент давлат юридик университети ректори буйруғи билан янги баҳолаш тизими тасдиқланди. Бу тизим талабаларда мустақил таълим олиш ва тизимли таҳлил қилиш қобилиятини оширишга хизмат қилади, — дейди Тошкент давлат юридик университети ўқув-услубий бошқармаси масъул ходими Баҳодир Тўхтаев. — Унда талабалар билимини объектив баҳолашга туртки берувчи қўшимча меъёрлар ҳисобга олинган. Хусусан, ёзма ишларни топшириш ва баҳолаш қоидаларига алоҳида эътибор қаратилган. Баҳолашнинг блокли тизими жорий этилган бўлиб, унда ёзма ишлар баҳоловчи-ўқитувчига шифрланган тарзда, талабанинг исм-фамилияси кўрсатилмаган ҳолда топширилади.

Юртимиздаги бошқа институт, университет ва академияларда модулли таълим бериш тизимини жорий этишга рухсат берувчи тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинса, барча олий таълим муассасалари ҳам юқоридаги ҳуқуқдан фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Назокат ҚУРБОННИЁЗОВА,
«Turkiston» мухбири

Хавосиз ҳаёт йўқ. Адабиёт — маънавий борлигимизнинг ҳавосидир. Инсоният оғзаки ва ёзма адабиётга эш бўлганидан бери шу эҳтиёжни қондириш йўлидан қайтгани йўқ. Неча мингйиллик адабий мероснинг бугун ҳам бардавом эканлиги фикримизни тасдиқлайди.

Адабиёт — сўз санъати, у инсон қалбини тараннум этувчи зам-зам суви каби лазиз, нондек муқаддасдир. Севимли ёзувчимиз Ўткир Хошимовнинг: «Оқ қоғозга қора чизиклар билан ёзилган бадиий матнда биз ҳам кўрамыз, ҳам эшитамиз, ҳам нарсаларнинг ҳидини туюмиз. Демак, адабиёт шубҳасиз саккизинчи мўъжаздир», деган мазмундаги фикри бор.

Хозирда юртимизда адабиёт ривожига қаратилаётган эътибор ҳар қачонгидан-да юксалди, теранлашди десак муболаға бўлмайди. Айниқса, ёш ижодкорларни бугунги кун адабий жараёнларига жалб қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси тасарруфидаги «Истеъдод мактаби» минтақавий семинари, «Онажоним шеърят», наср, бадиий публицистика ва бадиий таржима тўғрисидаги ижодкорларнинг қаламини чарх-

МАЪНАВИЙ ОЛАМ ҲАВОСИ

лашда муҳим аҳамият касб этади. Тўғрақ иштирокчилари ўзларининг ижод намуналари билан қатнашиб, катта авлод шоир-ёзувчиларидан ижод сирларини, ёзиш техникасини ўрганмоқда.

Худудларимизда Ўзбекистон халқ шоири Зулфияxonим таваллудининг 100 йиллигига тайёргарлик алақачон бошлаб юборилган. Бу маросимда тенгдошларимизнинг айниқса, Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган барча совриндорларнинг иштирок этиши дастурнинг янада қизиқарли ва сермазмун ўтишини таъминлаши шубҳасиз.

Улуғ маърифатпарвар шоиримиз Чўлпоннинг «Адабиёт яшаса — миллат яшар» деган фикри бугунги кунда юртимизда олиб борилаётган адабий жараёнларда намоён бўлаётир.

**Муҳаммадсодиқ Тўраев,
ЎзДЖТУ талабаси**



Қизи бор уйнинг фойзи бор...

Яшнобод туманидаги 244-мактабда «Ораста қизлар» танлови бўлиб ўтди. Унда мактабнинг саккизинчи ва тўққизинчи синф ўқувчилари «Таништирув», «Мен танлаган касб», «Алла айтиш», «Тезкор савол-жавоб», «Пазандалик» шартлари бўйича ўз билим ва маҳоратини намойиш этди.

— Оилаларнинг мустақам, хонадонларнинг саранжом-сарашта бўлиши кўп жиҳатдан аёлларга боғлиқ, — дейди мактабнинг «Ораста қизлар» тўғраги раҳбари Маърифат Сотқулова. — Албатта, қиз бола нозиктаъб, гўзалликка инти-

лувчандир. Рўзғор юриштиш, пазандалик, чеварлик санъатидан қизларимизга алоҳида сабоқ беришимиз шарт эмас, негаки, улар табиатан бунга истеъдодлидир. Ушбу танловни ўтказишдан мақсад эса ўқувчиларимиз орасидан энг билим-

дон, зукко ва иқтидорли қизларни аниқлашдан иборат.

Танлов иштирокчилари «Энг иқтидорли қиз», «Энг ижодкор қиз», «Энг ширинсухан қиз» номинациялари бўйича тақдирланди.

Моҳитобон Пўлатова

Yurtning jasur o'g'lonlari

Муқаддас бурччи ҳис этиб...

Ватан туйғуси мурғак дилларга болалиқданоқ сингади ва у ҳаммамиз учун азиз, бизни дунёга келтирган она каби ягона. Шу боисдан Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч ҳисобланади.

Бугун мамлакатимиздаги ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораси ходими тинч ва осойишта Ватанимиз шаъни-шавкатини янада юксалтиришга ҳисса қўшиш бахтига муяссар, масъул ва албатта, дахлдор эканидан ўзини бахтли деб ҳисоблаши шубҳасиз.

Азал-азалдан қатъиятли, мард, жасур, ватанпарвар ўғлонлар юрт сарҳадлари ва унинг осойишталиги учун хизматга бел боғлаган. Барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари сингари ички ишлар идоралари масъуллари ҳам ўз қасамёдига содиқ ҳолда она-Ватан олдидаги шарафли ва масъулиятли хизматларини чексиз фахру гурур билан бажармоқда. Кечаю кундуз шу юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида мардонанвор меҳнат қилишда албатта ирода, чидам, фидойилик, керак бўлса, жасорат, ўз касбини севиш ҳар қандай қарашлардан устун келиши турган гап. Юрт

тинчлигини, жамоат тартибини сақлаш, турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларнинг осуда ҳаёт кечирishларини таъминлаш, уларнинг бойликларини муносиб қўриқлаш ички ишлар органлари ходимларининг асосий бурчларидан саналади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз эришган улкан ютуқ ва натижаларда Ички ишлар вазирлиги тизимлари шахсий таркибининг ҳам ўз ўрни, ҳиссаси бор, албатта. Юрт тинчлиги, халқимиз осойишталигини таъминлашда барчамиз бирлашишимиз, унинг янада гуллаб-яшнаши учун ҳамфикр, ҳамқадам бўлишимиз, уни ҳимоя қилишда ҳаммаша оғоҳ ва сергак бўлишимиз зарур.

**Мирзаумар ХАЛИЛОВ,
ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси ходими, подполковник**

Диққат, танлов!

«ЭЪТИРОФ»

Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди матбуот ва интернет нашрларда жамият ҳаётида кечаётган жараёнлар тезкор, холис ва ҳаққоний, таҳлилий жиҳатдан юксак савияда ёритилган материаллар кўламини ошириш, босма нашрларни шаклан ва мазмунан такомиллаштириш, жамият янгилашишидаги жараёнларни ёритиш, дунё ахборот майдонида ўз ўрнини эгаллаши, рақобатбардош бўлиши, ОАВ нуфузини ошириш ва журналистларнинг касбий маҳорати ўсишига кўмаклашиш, нашрлар ўртасида профессионал алоқаларни йўлга қўйиш, иқтидорли муаллифларни рағбатлантириш мақсадида газета, журналлар, интернет агентликлари ва нашрлари журналистлари, шунингдек блогерлар ўртасида «Эътироф» танловини эълон қилади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди молиявий кўмагида ўтказилади.

Танлов номинациялари:

- энг яхши босма ОАВ журналисти
- энг яхши йил фотосуратчиси
- йил дебюти (илк бор ўзини танитган)
- энг яхши тармоқ ОАВ журналисти
- энг яхши йил блогери
- энг яхши худудий газета

ТАНЛОВ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

Тақдим қилинган ижодий ишлар 2014

Ташкилий кўмита

Диққат, танлов!

«ЖАМИЯТ ВА МЕН»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан ҳамкорликда республикадаги босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ва фотожурналистлари учун «Жамият ва мен» танловини эълон қилади.

Танловга жамият учун муҳим аҳамиятга эга, мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маърифий-маданий, ҳуқуқий соҳалардаги ислохотларнинг бориши, жамиятнинг фаол аъзолари ташаббусларини бирлаштириш, ННТ, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, ОАВ ва давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро ижтимоий шериклик ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган ижодий ишлар куйидаги йўналишлар бўйича қабул қилинади.

ТАНЛОВ Йўналишлари

- Энг яхши ёритилган «ижтимоий мавзулар»;
- Энг яхши ёритилган «иқтисодий мавзулар»;
- Энг яхши ёритилган «тарих ва маданият мавзулари»;
- Энг яхши ёритилган «сиёсий мавзулар»;
- Энг яхши ёритилган «ҳуқуқий мавзулар»;
- Энг яхши ёритилган «илмий-техника мавзулари»;
- Энг яхши ёритилган «спорт мавзулари»;
- Энг яхши ёритилган «ижтимоий шериклик мавзулари»;
- Энг яхши ёритилган «жамоатчилик назорати мавзулари»

Махсус номинациялар:

- «Ўз замонасининг қаҳрамони» мавзусида энг яхши материал;

йилнинг 1 январидан 2015 йилнинг 1 январигача бўлган даврда босма ва интернет нашрларда чоп этилган бўлиши керак. Фолиблар куйидаги мезонлар бўйича аниқланади:

— мавзунинг жамиятда аҳамиятга моликлиги, долзарблиги ва материал мазмуни;

— ёритишдаги маҳорат;

— материални тақдим этиш шакллари-нинг янгилиги, ўзига хослиги ва ифодалилиги.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар етакчи журналистлар, жамоат ташкилотлари ва тегишли идоралар вакиллари билан иборат ҳайъат томонидан баҳоланади.

Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси) маълумотлар илова қилинади.

Танловда қатнашиш истиғини билдирган тахририятлар фонд дирекциясига ёзма равишда мурожаат қилишлари лозим.

ФОЛИБЛАРНИ ТАҚДИРЛАШ

Танлов фолиблари «Ўзбекистон Матбуоти» III Миллий форумида эълон қилинади.

Танловда қатнашиш учун аризалар 2015 йил 4 февралигача куйидаги манзилда қабул қилинади: 100129, Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 1-хона. Мурожаат учун телефонлар: 244-14-28, 244-12-51, www.mmf.uz, e-mail: fonduz@umail.uz.

— «Янги авлод» мавзусида энг яхши материал.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ

Тақдим этилган ижодий ишлар босма ва интернет нашрларда 2014 йилнинг 1 январидан 2015 йилнинг 1 январига қадар чоп этилган бўлиши шарт.

Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси) маълумотлар илова қилинади.

Танловга материаллар 2015 йилнинг 4 февралига қадар қабул қилинади.

ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар етакчи журналистлар, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, манфаатдор идора ва муассасалар вакиллари билан иборат нуфузли ҳайъат томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади.

Фолибларни аниқлашда мавзунинг долзарблиги, иш мазмунининг ижтимоий аҳамияти, материални ёритишдаги аниқлик ва ўзига хослик, профессионал маҳорат асосий мезон ҳисобланади.

Танловга топширилган ижодий ишлар тақризи қилинмайди ва қайтарилмайди.

ТАНЛОВ ФОЛИБЛАРИГА МУКОФОТЛАР

Ҳар бир номинация бўйича танлов фолиблари учун ташкилотчилар томонидан таъсис этилган диплом, ноутбук, планшет, қўл телефони ва шу каби қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Материаллар ва уларга ҳисобот кўришидаги маълумотлар «Жамият ва мен танловига» деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондида куйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри — 100129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 1-хона. Тел./факс: 244-14-28, 244-12-51, www.mmf.uz, e-mail: fonduz@umail.uz.

Ташкилий кўмита

Madaniyat

Янги лойиҳалар

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Ўзбек Миллий академик драма театрида матбуот анжумани ташкил этилди. Унда вазирликнинг масъул ходимлари, маданият ва санъат арбоблари, 2014 йилда маданият ва санъат соҳасида юксак ютуқларга эришган ёшлар иштирок этди.

Матбуот анжуманида сўзга чиққанлар иқтидорли ёшларни излаб топиш, интилишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилаётган ишларнинг натижаси ўлароқ, юртдошларимиз бетакрор ва бой маданий меросимизни жаҳон жамоатчилиги олдида намоён этиб, нуфузли танлов ва фестивалларнинг ғолиби бўлаётганини таъкидлади.

Соғлом бола йилида вазирлик томонидан истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантириш, маданият ва санъат соҳаларини янада ривожлантириш мақсадида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда 20дан ортиқ фестивал ва танловлар, ёшлар сайиллари ташкил этилди.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танлови ёш санъат усталарини кашф этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўтган йили унинг ҳудудий босқичларида 3912 нафар ёш санъаткор қатнашди.

Эстрада, мусиқа, мумтоз кўшиқчилик, рақс ва опера санъатида истеъдодли намоён этган 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган иқтидорли ёшларни мунтазам рағбатлантириб бориш мақсадида ташкил этилган «Нихол» мукофотининг 2014 йилдаги ҳудудий саралаш босқичларида 940 нафар йигит-қиз иштирок этди ва уларнинг 172 нафари танловнинг якуний — республика босқичига йўл олди.

Мамлакатимизда илк марта ташкил этилган «Competizione dell'Opera» XIV халқаро танловида 15га яқин давлатдан 60дан зиёд санъаткор опера асарларини италян тилида ижро этди. Эътиборлиси, танлов якунларига кўра биринчи ўринни ҳамюртимиз Барно

Исматуллаева эгаллади.

Шунингдек, 2014 йилда ўзбек миллий санъати анъаналарини тарғиб этиш мақсадида ташкил этилган «Созлар навоси» ёш мусиқачилар танлови, ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилаётган «Дебют» республика кўрик-танлови, миллий қадриятлар, айниқса, алла жанрини ўсиб келаётган ёш авлод ўртасида кенг тарғиб этиш мақсадида «Онам айтган аллалар» фестивали, ёш опера ижрочиларининг «Ёшлик баҳори» республика фестиваллари, «Фавворалар сайли» оммавий-маданий тадбирлари кўтаринки руҳда ўтказилди. Ёз мавсумида оромгоҳларда болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва мафкуравий иммунитетини шакллантириш мақсадида жами 23 560дан зиёд маънавий-маърифий, маданий тадбир ва спорт мусобақаси ташкил этилди.

Матбуот анжуманида 2015 йилда илк марта ташкил этиладиган бир қатор янги лойиҳалар ҳақида ҳам маълумотлар берилди. Вазирлик томонидан бу йил «Шодлик наволари» (симфоник ва эстрада чолғу ижрочилари ўртасида), «Хуш кайфият» (ёш қизиқчи ва сўз усталари танлови), «Ижодимиз сенга, Ватан» (ёш бастакорлар ўртасида), «Санъат қалдирғочлари» (мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари ўртасида), «Ижодкор ёшлар оромгоҳи», «Халқ рақслари ижрочилари» каби танлов ва фестивалларни ўтказиш кўзда тутилган. Кексаларни эъзозлаш йилига бағишлаб «Истиклол» санъат саройида устоз-шоғирд санъаткорлар иштирокида концерт дастури бўлиб ўтади.

Санжар ИСМАТОВ,
«Turkiston» мухбири

Кексалари эъзозда,
ёшлари эътиборда

Бухоро шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактабида авлодлар учрашуви ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Қаҳрамонлари, «Эл-юрт шухрати» ордени, «Шухрат» медали соҳиблари, туманлардан ташриф буюрган меҳнат фахрийлари ҳамда ёшлар иштирок этди. Тадбирда катта авлод вакиллари ёшларга ўзларининг ҳаёт тажрибалиридан сўзлаб берди. Сўнгра мактаб ўқув-

чилари тайёрлаган концерт дастури намойиш этилди.

Бухоро вилояти ҳокимлиги ва Ҳаракатнинг вилоят кенгаши, «Нуроний» жамғармаси томонидан ташкил этилган «Кексалари эъзозда, ёшлари эътиборда бўлган юрт» шиори остидаги акция доирасида шахмат турнири ва иқтидорли ёшлар билан давра суҳбати ҳам ташкил этилди.

Кумар БЕГНИЯЗОВА,
«Turkiston» мухбири

Sport

Ўсмирларимиз халқаро
турнир Ғолиби

Республика олимпия захиралари коллежида 1998-1999 йилларда туғилган спортчилар ўртасида юнон-рум кураши бўйича халқаро турнир ўтказилди.

Ушбу турнир Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси ва спорт курашлари федерацияси ҳамкорлигида уч йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинади. Бу йилги мусобақада юртимиз вакилларидан ташқари кўшни Қозоғистон ва Тожикистондан келган ёш спортчилар 10та вазн тоифасида ўз омадини синаб кўрди. Мусобақа якунига кўра, юр-

тимиз спортчилари ўз вазн тоифасида ғолиблик шохсупасига кўтарилди.

— Юртимизда спортга берилаётган юксак эътибор туфайли мана шундай мусобақалар мунтазам ўтказилмоқда, — дейди таниқли спорт мураббийи Комил Фаткуллин. — Ўтган йиллар давомида ушбу турнирда кашф этилган кўплаб курашчилар аста-секин терма жамоа аъзосига ай-

ланди. Умид қиламизки, турнир иштирокчилари ҳам яқин келажакда юртимиз байроғини халқаро майдонларда баланд кўтаради.

Гиламдаги спортчилар ҳаракатини, асосан, халқаро тоифадаги ҳакамлардан иборат мутахассислар гуруҳи назорат қилиб борди. Унта вазндан тенг ярми, яъни бешта вазн тоифасида олтин медални қўлга киритган Республика олимпия захиралари коллежи жамоаси турнирнинг энг кучли жамоаси деб эътироф этилди.

С.ИБРОҲИМОВ

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

1. «Халқаро иқтисодий муносабатлар» ихтисослиги бўйича инглиз тили кафедраси мудири;
2. «Халқаро иқтисодий муносабатлар» ихтисослиги бўйича инглиз тили кафедраси доценти;
3. «Халқаро иқтисодий муносабатлар» ихтисослиги бўйича инглиз тили кафедраси катта ўқитувчиси;
4. «Халқаро муносабатлар» ихтисослиги бўйича инглиз тили кафедраси профессори;
5. «Халқаро ҳуқуқ» ихтисослиги бўйича инглиз тили кафедраси ўқитувчиси;
6. «Халқаро муносабатлар» ихтисослиги бўйича инглиз тили кафедраси ўқитувчиси;
7. «Шарқ тиллари» кафедраси мудири;

8. «Шарқ тиллари» кафедраси ўқитувчиси;
9. «Ўзбек тили» кафедраси доценти;
10. «Романо-герман тиллари» кафедраси ўқитувчиси;
11. «Халқаро муносабатлар» кафедраси ўқитувчиси;
12. «Ижтимоий-гуманитар фанлар» кафедраси профессори;
13. «Ижтимоий-гуманитар фанлар» кафедраси ўқитувчиси;
14. «Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар» кафедраси доценти;
15. «Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар» кафедраси катта ўқитувчиси;

16. «Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар» кафедраси ўқитувчиси;
17. «Халқаро савдо ва инвестициялар» кафедраси доценти;
18. «Халқаро савдо ва инвестициялар» кафедраси ўқитувчиси;
19. «Иқтисодиёт назарияси» кафедраси профессори;
20. «Математик моделлаштириш ва информатика» кафедраси профессори;
21. «Математик моделлаштириш ва информатика» кафедраси доценти;
22. «Фуқаролик ҳуқуқи» кафедраси ўқитувчиси;
23. «Давлат қурилиши ва ҳуқуқ» кафедраси профессори;

24. «Давлат қурилиши ва ҳуқуқ» кафедраси катта ўқитувчиси;
25. «Давлат қурилиши ва ҳуқуқ» кафедраси ўқитувчиси;
26. ЮНЕСКОнинг «Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари» кафедраси доценти;
27. ЮНЕСКОнинг «Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари» кафедраси катта ўқитувчиси;

28. ЮНЕСКОнинг «Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари» кафедраси ўқитувчиси;
29. «Амалий дипломатия» кафедраси мудири, «Амалий дипломатия» кафедраси профессори;
30. «Амалий дипломатия» кафедраси ўқитувчиси
лавозимларига танлов эълон қилади.

Ҳужжатлар (ариза, фотосуратли шахсий варақа, таржимаи ҳол, олий маълумот, илмий даража ва унвонлар ҳақидаги дипломларнинг нусхалари, илмий ишлар рўйхати) ушбу эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида Тошкент шаҳри, Мустақиллик шох кўчаси 54-уй манзилида қабул қилинади.

Телефон: 267-65-40



Ўзбекистон касабга уюшмалари федерацияси кенгаши ва «Камолот» ЁИХ ҳамкорлигида ўтказилган «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» кўрик танловининг республика босқичида Сирдарё вилояти вакили Сарвиноз Шокирова «Энг фаол ёш фермер аёл» номинацияси голиби бўлди.

У 2012 йили 53 гектар ерда «Сарвиноз Собиржоновна файзи» фермер хўжалигини

ташқил этди. Ҳозирда фермер қиз юртимизнинг пахта ва галла хирмонига ўз ҳиссасини кўшмоқда.

Сарвиноз республика миқёсида ўтказиб келинаётган кўргазма, фестивал, кўрик танлов ва нуфузли тадбирларда фаол қатнашиб келаётди.

Рустам Назарматов олган сурат.

Jarayon

ТИББИЙ КЎРИК СОҒЛОМ КЕЛАЖАК ДЕМАҚДИР

Тошкент кимё-технология институтида Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Саломатлик ва тиббий статистика институтининг Тошкент шаҳар филиали ва Мирзо Улуғбек тумани тиббиёт бирлашмаси ҳамкорлигида ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ва репродуктив саломатликни асраш масаласига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Президентимизнинг 2014 йил 1 августдаги «2014—2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш бора-сидаги Давлат дастури тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан ташқил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, профессор-

ўқитувчилар, шифокорлар, талабалар иштирок этди.

Давра суҳбатида тиббий маданиятни ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, касалликларнинг олдини олиш, соғлом оилани барпо этиш ва оилада соғлом фарзандлар дунёга келишига тўсқинлик қилаётган тиббий-ижтимоий муаммоларнинг олдини олишда нималарга эътибор қаратиш

лозимлиги, соғлом ва узоқ умр кечиришда бирламчи тиббий-профилактика кўригининг аҳамияти, шахсий гигиена қоидалари, тўғри ва рационал овқатланиш маданияти, никоҳдан олдинги тиббий кўрикнинг зарурлиги ҳақида муҳим маълумотлар берилди.

— Тиббий-профилактика тадбирлари кўламини кенгайтириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, оилаларда тиббий маданиятни ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бугунги куннинг муҳим масалаларидан ҳисобланади, — дейди Тошкент кимё-технология институти ноорганик моддалар кимёвий технологияси факультети деканининг маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича ўринбосари Ботир Боботиллаев. — Институтигимиз талабалари ўртасида ҳам тиббий кўриklar ташқил этилмоқда. Бугунги тадбир янги оила барпо этиш оstonасида турган ёшларнинг соғлом турмуш тарзига доир билимларини янада оширишга хизмат қилади.

Зарнигор АБДУМАЛИКОВА,
«Turkiston» муҳбири

Огоҳлик — зарурат

Термиз шаҳридаги 13-умумтаълим мактабида «Одам савдоси — башарият муаммоси» мавзуида семинар ташқил этилди.

Термиз шаҳар ҳокимлиги ҳузурдаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, ички ишлар бўлими ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг мазмун-моҳияти ҳақида ёшларга атрофлича тушунча берилди.

Тадбир давомида ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга соҳа мутахассисларидан жавоб олди. Семинар сўнгида умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Одам савдоси — давр муаммоси» мавзуидаги республика кўрик-танлови голиби, 13-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Нозима Эшназарова тадбир ташкилотчиларининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
«Turkiston» муҳбири

Хазина

Алишер Навоий

ҲАЗАЛ

Ёр борди-ю, кўргазмада аминг нози қолипти,
Андозқчи, қулоғини тўла овози қолипти.

Кўз хонасини қилди барандоқта бу аниқ,
Кўз борди ва ле хонабарандози қолипти.

Кўргазма кўриш то сўриб, кўргаз домига тутиш,
Тушубди киби зар гул сори парвози қолипти.

Эл кўри сарар айлаб, не тараб гулбуриш ойнай —
Кели, бос аро бир сарви сарафрози қолипти.

Мен ишиқ рушунини демай ўлдури, сарар эткили,
Дарҳод ила Махжунининг ўзгари рози қолипти.

Мана ишиқ қилиб кўргазма ишиқ азми чекар оғ,
Эл борди-ю, эл итра саровози қолипти.

Хижронун висолин кўнун оз дема, Навоий,
Ўз ишиқ декили, кўри бориб, ози қолипти.


Узун орзунинг зарари

Бир покиза дарвиш бор эди. У ёғ ва асал сотувчи бир савдогарнинг қўиниси эди. Савдогар деярли ҳар куни унга бироз асал ва ёғ чиқариб турарди.

Дарвиш истаганича ёғ, қолганини кўзага солиб кўяр эди. Бир кун қараса, кўза тўлиб қолибди. Дарвиш ўзига-ўзи деди: «Агар бу ёғ билан асални ун тангага сотсам, бу ун тангага бешта совлиқ кўй оламан. Бу кўйлар олти ойда бешта туғиб беради, бора-бора улар жуда кўпайиб, бой бўлиб кетаман. Кейин тагли-зотли бир оиладан хотин оламан, у албатта бир ўғил туғиб беради. Унга бир чиройли от кўйиб, яхши таълим ва тарбия бераман. Агар сўзимга кирмай тўполон қилса, мана бу таёқ билан бошлаб адабини бераман» деб жаҳл аралаш таёғини кўтариб бир урган эди, кўзага тегиб уни синдирди. Ёғ ва асал унинг юзи ва соқолига сачраб кетди. Шундай қилиб, дарвишнинг ҳамма хаёллари пучга чиқди.

Қиссадан ҳисса: Оқибати нима бўлишини яхши билмасдан туриб бўлмаган нарсаларни хаёл қилмаслик керак. Акс ҳолда, пуншаймон бўлиш мумкин.

(«Калила ва Димна»дан)



«Ҳисоб ҳақида рисола», «Астрономия ҳақида рисола», «Ҳилосимон шакллари ўлчаи ҳақида рисола» каби асарлар муаллифи, «Ўз даврининг Батлимуси» деб танилган ватандошимиз, машҳур олим Али Қушчининг тўлиқ исм-шарифини айтинг.

Жавобингизни **23 январь** соат **16:00**га қадар **233-79-69, 233-95-97** рақамлари орқали билдиришингиз мумкин. Тўғри жавоб йўллаган мухлислар номи газетамизда эълон қилинади. Саволларга энг кўп тўғри жавоб топган муштарийлар йил якунида қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби:

Радий.

Учтепа туманидан Алишер Қорабоев тўғри жавоб йўллади.

Тафаккур қиммонидан бир қатъра

Ҳар на яхшилиқ қилсанг, қил юрт учун,
Ўзингдан орттир-у, ўзгага бермак учун.

Ҳайдар Хоразмий